

Фойдаланувчилар учун янги қулайлик



Шохиста Шамсиёва,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси
Каталоглаштириш ва
туркумлаштириш
хизмати раҳбари

Автоматлаштирилган кутубхона ахборот тизимлар татбиқи кутубхона фондида мавжуд ҳамда янги келиб тушаётган ҳужжатларга библиографик ишлов беришда мутахассислар ишини анча камайтирди ва фойдаланувчиларга ҳам қулайлик яратди.

Халқаро каталоглаштириш қондасидан келиб чиққан ҳолда, каталоглаштиришнинг замонавий базасини ташкил қилиш учун Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳам ягона каталоглаштириш қондасини ривожлантириш ҳамда ахборот-кутубхона ресурсларига қира олиш ва қидириш тизимини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Кутубхонанинг барча турдаги ахборот ресурсларини акс эттирувчи электрон каталог кутубхонанинг энг муҳим бойликларидан биридир. Электрон каталог фойдаланувчилар ихтиёридаги, машина ўқий оладиган шаклдаги, аниқ вақт режимида ишловчи кутубхона каталогидир.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассислари ретроспектив ва жорий нашрлар

учун электрон каталоглар яратиш билан бир қаторда, 2013 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб алфавит бош каталог карточкаларини ретроконверсия қилишни бошладилар. Карточкали каталогларни ретроконверсиялаш электрон кутубхона тузилишида асосий ҳалқалардан бири ҳисобланади. Бу иш учун ВЕРРО – Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаш маркази ходимлари томонидан алоҳида «Имидж-каталог» дастури ишлаб чиқилди.

«Имидж-каталог»дан кўзланган асосий мақсад аввалги йиллардаги кутубхонага келиб тушган ахборот-кутубхона ресурсларини алфавит каталогини карточкаларини акс эттирувчи ретрофондининг катта ҳажминини электрон кўринишда кўрсатишдир. «Имидж-каталог» фақат карточка тасвирини тартибга келтириш эмас, балки ичидаги мазмунни бўйича қидирувни амалга оширишга қодир. Бундай вақтда фойдаланувчи библиографик қидирувни каталог карточкаларидан қийналиб топмайди, қизиқтирадиган соҳа бўйича материалларни бир неча дақиқада кўриши мумкин.

Фойдаланувчи электрон ахборот билан ишлашнинг афзалликларини кўради: масофадан кириш; бир неча фойдаланувчининг бир вақтда кириши; нусхасини кўчириш.

«Имидж-каталог»дан қидириш учун фойдаланувчи ва хизмат ходимларига «Ёрдам» тугмаси мавжуд. Фойдаланувчи «Ёрдам» тугмасини босиб, дастурдан қандай фойдаланишни кўриши мумкин.

Дастур таркибидаги қидирув тизими ёрдамида библиографик тавсифнинг барча элементлари ва уларнинг бирикмалари бўйича қидирувни амалга оширса бўлади: китоб шифри; муаллифи; сарлавҳаси; чиқиш маълумотлари; предмет кўрсаткичи; УЎК ва КБК, инвентар рақам.

Рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчилар ҳам «Имидж-каталог»дан қидириши ва библио-







график ёзувларни кўриш имкониятига эга бўлади, аммо талаб қилиб ололмайди. «Просмотр» тугмасини босиш орқали фойдаланувчи «Имидж-каталог» карточкасини тасвирини кўриши мумкин.

Буюртма бериш эса, «Заказ» тугмасини босиш орқали амалга оширилади. Буюртмани сақлаган ҳолда давом эттириш учун тизимга кириш ва рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Рўйхатдан ўткандан сўнг «Заказ» ойнасида ID-картаси номерини ёзиб, ўзига керакли китоб тўғрисида маълумотларни карточкадан тўлдириб буюртмани олиш имкониятига эга бўлади. Фойдаланувчи томонидан киритилган «Имидж-каталог» карточкаси эса, мутахассислар томонидан кутубхона электрон каталог яратилишига замин бўлади.

Шундай қилиб, «Имидж-каталог»дан қидириб топилган электрон ресурсни каталоглаштириш икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда фойдаланувчилар томонидан керакли ахборотлар қидириб топилади ва ресурснинг қисқача тавсифи яратилади, мутахассис «Имидж-каталог» базасига кўчириб ўтказилган библиографик ёзувни таҳрир

қилади, тегишли майдонларни тўлдиради. Иккинчи босқичда мутахассис томонидан имидж-электрон базасида библиографик ёзув яратилади. Электрон ресурсларни «Имидж-каталог»га киритишнинг икки босқичли усулини қўллаш, биринчидан, «Имидж-каталог» дастуридан олинган ёзувлар каталоглаштириш сифатини ва тезлигини оширади. Иккинчидан эса, каталоглаштиришда йўл қўйиладиган хатоликларнинг олдини олади.

Мамлакатимизнинг келгуси авлоди учун алоҳида қадр-қимматга эга бўлган карточкалар сақлашнинг электрон шаклини яратиш инновацион йўллардан бири ҳисобланади. Кутубхона фаолиятининг мазкур йўналиши миллий электрон ресурсларни яратиш ҳамда бу ресурслар воситасида ёш авлодни илмий, маданий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш вазифасини муваффақиятли амалга ошириш мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан раванқ топишига муҳим ҳисса бўлиб кўшилади.

Карточкали каталогларни ретроконверсиялаш электрон кутубхона тузилишида асосий ҳалқалардан бири ҳисобланади

Электрон каталог – фойдаланувчилар ихтиёридаги, машина ўқий оладиган шаклдаги, аниқ вақт режимида ишловчи кутубхона каталогидир

Шохиста Шамсиева, руководитель службы каталогизации и систематизации Национальной библиотеки Узбекистана

«Имидж-каталог» это каталог для поиска информации в электронном виде по отсканированным каталожным карточкам Национальной библиотеки Узбекистана, это наиболее эффективный способ представления в электронном виде карточных каталогов большого объёма по ретрофонду библиотеки (т.е. тому фонду, который не отражён в электронном каталоге). В результате поиска имеется возможность самостоятельно отобрать нужную информацию по интересующей теме, сделать заказ в «Имидж-каталоге» с любого компьютера читального зала. Пользователи могут сами участвовать в создании «Имидж-каталога» путем добавления записей интересных и часто спрашиваемых книг. Программа имидж-каталог создана в помощь пользователям для более полного доступа к информационным ресурсам Национальной библиотеки Узбекистана. ■